

АХБОРОТ ХАТИ

Самарқанд давлат университетиди 2019 йил 24-25 май кунлари халқаро илмий-амалий анжумани ўтказилади.

Конференция мавзуси: “Буюк Ипак Йўли чоррахасида зиёрат туризмнинг Ренессанси”.

АНЖУМАНДА КЎРИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР

1. Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантириш истиқболлари.
2. Зиёрат туризмни бошқаришнинг халқаро тажрибаси.
3. Маданият ва меъморчилик Марказий Осиёдаги маданий юксалишнинг ёрқин акси сифатида.
4. Марказий Осиё – ислом илм-фанининг илғор ғоялари бешиги.

Анжуман тили: ўзбек, рус ва инглиз тиллари.

Анжуман материаллари ташкилий кўмита томонидан **2019 йилнинг 4 майига** қадар қабул қилинади ва анжуманга қадар чоп этилади.

Маъруза материалларини расмийлаштириш бўйича талаблар:

- 1) маъруза матнлари А4 форматда 3-5 варақ ҳамда ёзилган ва таҳрир қилинган бўлиши лозим;
- 2) мақолада қуйидаги **элементлар** бўлиши шарт: муаммони умумий ҳолатда қўйилиши ва илмий-амалий масалалар билан алоқадорлиги; мазкур муаммонинг ҳал этилиши бошланган охириги йиллардаги **тадқиқотлар ва нашрлар** таҳлили; мақола мақсадлари берилиши (масалалар қўйилиши); олинган илмий натижаларнинг тўлиқ асосланиши; мазкур тадқиқотлар асосида **хулосалар** ва кейинги илмий тадқиқотлар истиқболлари, маърузанинг охирида алоҳида илмий-назарий аҳамиятга молик таклиф ва тавсиялар берилиши шарт;
- 3) **мақола сарлавҳасини расмийлаштириш:** мақоланинг номи (марказда, бош ҳарфлар билан, қалин шрифт билан, 14pt.). муаллиф Ф.И.Ш. (тўлиқ) – мақолани номидан кейин ўнг томонда; муассаса/ташкilot номи, илмий даражаси, илмий унвони, телефони ва электрон манзили тўлиқ кўрсатилиши керак;
- 4) **аннотация, калитли сўзлар** (ўзбек, рус, инглиз тилларда) курсив билан ёзиш, шрифт **Times New Roman 12**. Материаллар тўлиқ бетда расмийлаштирилиши керак, бетлар саҳифаланмайди;
- 5) матнни жойлаштиришда саҳифанинг чегаралари: юқоридан – 2,0 см, пастдан – 2,0 см, ўнгдан – 2,0 см, чапдан – 2,0 см ўлчамда белгиланади; **Шрифт Times New Roman**. 14pt., қатор ўртасидаги интервал – 1.0;
- 6) **адабиётлар рўйхати** мақоланинг охирида келтирилади;
- 7) **очиқ нашр учун тавсия этиш тўғрисида тасдиқланган эксперт хулосаси;**
- 8) **муаллифлик бадал:** 50 минг сўм.

Материаллар қуйидаги электрон манзилга жўнатилиши лозим:

Телефон ва телеграмм канал: (+99890) 6000888, silkroad_samdu@mail.ru

Усмонова Дилафруз Қаршиевна

Анжуман қатнашчилари: анжуманга профессор-ўқитувчилар, республика ва хорижий олий ўқув юртларининг туризм соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган докторантлар, мустақил изланувчилар, ёш олимлар ва магистрантлар, талабалар ва соҳа мутахассислари иштирок этишлари мумкин. Анжуман материаллари конференцияда иштирок этган муаллифларга 1 нусхадан тарқатилади.

Эслатма: мақола анжуманнинг қайси йўналишига мўлжалланганлиги аниқ кўрсатилиши лозим. Тегишли талабларга жавоб бермайдиган, илмий-амалий тавсияга эга бўлмаган ва кечикиб топширилган мақолалар анжуман материалларига киритилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

